

## **"ДЕВОНИ ФОНИЙ" ВА УНИНГ АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЁТИДАГИ МАВҶЕИ**

**Абдусаломова Хуршидахон Елмуроджон кизи**

*Шарқ филологияси ва таржимашунослик  
Араб филологияси кафедраси 2-курс араб-инглиз  
гурухи талабаси [hurshidakhon2004@icloud.com](mailto:hurshidakhon2004@icloud.com)*

**А.Е.Рустамов**  
*Илмий раҳбар*

**Аннотация:** Уибӯ мақолада "Девони Фоний" ва унинг Алишер Навоий ижодиётидаги мавҷеи, унинг бадиий, адабий хусусиятлари хақида батофсил маълумот бериб ўтилади.

**Калит сузлар:** тахаллус, зуллисонайн, девон, бадиий образлар ранг-баранглиги.

**Annotation:** This article provides detailed information about "Devoni Foniy" and its position in the work of Alisher Navoi, its artistic and literary features.

**Key words:** pseudonym, zullisonayn, divan, variety of artistic images.

Кириш. Алишер Навоийнинг адабиётимиз тарихидаги энг улкан хизматларидан бири, шубҳасиз, унинг зуллисонайнлигидир. Бунинг энг ажойиб самараси – шоир маҳоратининг ўлмас намунаси “Девони Фоний”дир. У форс тилида ҳам шеъриятнинг жуда кўп турларида қалами қудратини синаб кўрди ва бу тилда яратган шеърларининг катта қисмини тўплаб “Девони Фоний” китобига киритди. Девон Навоий–Фонийнинг бутун умри давомида форс-тоҷик тилида яратган деярли барча шеърларининг қулиётидир. Алишер Навоий бунёд этган катта хазинанинг қиммати унинг жанрий ранг-баранглиги, бой мавзулар олами, бадииятининг юксаклиги, образ ва ғоялар оламининг ёрқин ва теранлигидадир. Энг муҳими, Алишер Навоий форс-тоҷик тилидаги меросида ҳам ўзлигини кўрсата олди. Навоиёна ғазаллар, рубой ва қасидалар яратиб, уларда ўзи яшаган ижтимоий ҳаётнинг турли лавҳаларини, халқ дилидаги ширин тўйғу ва ниятларни ифодалашга эришди. Навоийнинг форс-тоҷик тилидаги адабий меросида ўша адабиётнинг анъаналари ғоят кучли таъсир ўтказган. Буни мутафаккирнинг ўзи рўйирост тан олади.

Маълумки, Алишер Навоийнинг форс-тоҷик адабиёти тарихида ҳам тутган ўрни жуда муҳим. У ўз устози ва дўсти Абдураҳмон Жомий билан биргаликда XV аср Ҳирот адабий мактабининг бошида турди, жуда кўп шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар, адабиётшконослар, мусиқашунослар, рассомлар, меъморлар ва бошқа санъаткорларга ҳомийлик қилди. Ўзининг “Мажолис ун-нафоис”, “Муфрадот”, “Хамсат ул-мутаҳайирин”, “Муҳокамат ул-лугатайн” каби чуқур илмий асарларида ҳам, бошқа бадиий асарларида ҳам форс-тоҷик адабиёти ва мумтоз тоҷик тили – форсий ҳақида қимматли мулоҳазалар, нодир илмий умумлашмалар қолдирди. Маълумки, форс-тоҷик тили Навоийнинг гўдаклик вактидаёқ иккинчи она тили бўлган эди. Унинг 3-4 ёшлида машхур форсийгўй шоир Миршоҳий билан хат ёзишган. Форс-тоҷик адабиёти

Навоий учун катта адабий мактаб бўлди. Форс-тожик адабиётининг Навоий эътироф этмаган, таърифламаган ва тақдирламаган улкан намояндалари деярли йўқ. Чунки Навоий ўзбек шоирларигагина эмас, балки форсигўй шоирларга ҳам устод бўлди. Муаллим ва мураббий сифатида янги-янги истеъдодларнинг етишувига кўмаклашди.

Буюк шоир Фоний тахаллуси билан ёзган форсий шеърларида эса форс-тожик мумтоз адабиётининг моҳир устозлари қаторида тураладиган асарлар яратди, ўз давригача беш юз йиллик тараққиёт даврини босиб ўтган тожик адабиётини маълум даражада якунлади. Навоий-Фонийнинг форс тилида ёзган ғазаллари, қитъалари, рубоийлари ва бошқа асарларидан ташкил топган “Девони Фоний” китоби олти минг байтдан ортиқ шеърни ўз ичига олади. “Мухокамат ул-луғатайн”да ёзилишича, Навоийнинг дастлабки машқлари форс тилида бўлган. Бу завқ ва ва қизиқиши Алишер Навоийнинг умри охиригача давом этди.

Навоийнинг ўзи бу китобни “Майдон ул-балогат” деб ҳам атаган. Бунда улуг шоир форс-тожик адабиёти сухан майдонининг ажойиб чавандозлари Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Нуриддин Абдураҳмон Жомий ва бошқалар билан беллашиб кўришни, бу соҳада балогат ва фасоҳат кўрсатишни, сўнг эса она тили – туркий тилда лирик ва эпик асарлар яратиб, ўз халқини яққалам қилиш, ўзбек шеъриятини ҳам юксак бадиият кўкига кўтариш мақсадини олдига қўйган.

Мана, қарийб олти асрдирки, улар бой анъанали форс-тожик адабиётининг баланд чўққиларидан бири бўлиб порлаб келмоқда.

Навоий-Фоний форс-тожик адабиётининг ғазал устодлари Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомий билан беллашар экан, нафосатда ҳам, фасоҳатда ҳам улардан асло қолишмайдиган бадиий дурдоналар яратди.

Алишер Навоийнинг “Девони Фоний” асари билан танишиб чиққан киши ўн бешинчи асргача ҳам, ўн бешинчи асрда ёки ундан кейин ҳам ҳеч бир шоирда учрамаган бир ҳолатнинг гувоҳи бўлади. Чунки на тожик шоирлари ва на ўзбек шоирларидан бирортаси ўтмишда ўз девонидаги ғазалларнинг ҳар бирига алоҳида сарлавҳа қўйиб чиқмаган. Қайси ғазали қайси шоирга татаббуъ эканини алоҳида ажратиб кўрсатиб ўтирган. Алишер Навоий эса адабиётимиз тарихида биринчи бўлиб бу ишни бажарган.

“Девони Фоний”нинг мундарижаси хусусида Алишер Навоийнинг ўзи “Мухокамат ул -луғатайн” асарида шундай мулоҳаза юритади: “Яна форсий ғазалиёт девони Ҳожа Ҳофиз тавридаким, жамиъ сухан адолар ва назм пийролар назарида мустаҳсан ва матбуъдир, тарбиб берибманким, олти мингдан абъёти кўпракдурки, кўпрак ул ҳазрат шеърига татаббуъ воеъ бўлибдур”.

Юқоридаги маълумотдан шоирнинг форсий меросига хос икки муҳим жиҳатини илғаш мумкин. Булардан биринчиси мазкур девон таркибидаги асарлар кўпчилигининг Ҳожа Ҳофиз ғазалиётига татаббуъ қилинганлиги ва иккинчидан, тўпламга киритилган шеърлар миқдорининг олти мингдан байтдан ортикроқ эканлигидир. Ҳазрат Навоий ўзининг девонига даҳлдор қайдлар хусусида гапириб, яна қуидагиларни ёзиб қолдиради: “Яна форсий ғазалиёт девони Ҳожа Ҳофиз тавридаким, жамиъ сухандонлар назм пийролар назарида мустаҳсин ва матбуъдир, тарбиб берибменким, олти мингдан абъёти адаи кўпроқдирки, кўпрак ул ҳазрат

шеърига татаббуъ воқеъ бўлибдур. Ва баъзи ҳазртари Шайх Муслиҳиддин Саъдийғаким ғазал таври муҳтарийдур. Ва баъзи Мир Ҳусравғаким, ишқ оташкадасининг шуъла ангизидур ва дард ғарибхонасининг ашкрези. Ва баъзи ҳазрати Маҳдуми Нуранғаким, камол авжининг меҳрии ломиидур ва мазкур бўлғон азизлар ҳолатининг жомиики, бу рожеъ ва анда кўр турлук дилкаш адолар ва дилпазир маънолар воқеъдурки, тафсили бу факирдин муносиб эмас ва анда ҳар навъ назм асноғидин, мисли муққаттаот, рубоиёт ва маснавий ва таърих ва луғз ул жумладин беш юзга яқин муаммолик, кўпи ҳазрати Маҳдумий Нуран муборак назариға етубдур ва ул ҳазратнинг ислоҳ, таҳсин шарафин касб этубдурким, хомамдин рўзгор сафҳасига ёзилибдур ва қаламим лайл ва наҳор авроқида нақш қилибдур". Кўринадики, шоирнинг ўзи мазкур девонга қисқа, аммо чуқур мазмунли тавсиф бериб, унинг ўзига хос хусусиятларини, мазмун мундарижасини ҳам, шакли сифатини ҳам, умумий ҳажмини ҳам яхши очиб берган.

Шоирнинг ўзи ҳам форсий шеърларини туркий асарлари билан баравар қадрлаб, "Девони Фоний"га кирган фаҳрия қитъаларидан бирида ўзбек ва форс тилидаги асарлари ҳақида фаҳр билан шундай ёзади:

Гўё дар раста бозори сухан бикушодаам,  
Як тараф дўкони қаннодию як сў заргарй.

Яъни, гўё растанда сўз бозорини очибман: бир томонда қандолат дўкони, иккинчи тарафда эса заргарлик дўконлари.

Алишер Навоий "Девони Фоний" таркибидаги жанрларни ҳам маълум қиласди. Шоир қайдларига кўра, бу тўплам таркибида ғазал, қитъа, рубоий, маснавий, тарих, луғз, қасида, мусаддас каби жанрларда бунёд этилган шеърлар жамғарилган. Эътибор бериб қарасак, хозиргача амалга оширилган "Девони Фоний" нашрларининг бирортасида ҳам маснавий учрамайди. Аммо шоир форсий асарлари рўйхатида бу жанрни тилга олади. Мазкур факт ҳали бу девоннинг мукаммал нусхаси қўлимизда эмаслигидан далолат беради. Шунингдек, аксарияти Абдураҳмон Жомий эътиборидан ўтказилган беш юздан ортиқроқ муаммолар ҳам "Девони Фоний"дан ўрин олгандир.

Энг муҳими, шоирнинг форс-тоҷик тилидаги назмий бисоти ҳажмининг аниқланишига қарамай, "Гулшани адаб" тўпламишининг тузувчилари бу тўпламнинг учинчи китобида Фоний-Навоий шеърларидан олдин ёзилган ярим варақлик маълумотда: "Девони форсии Навоий қариб чаҳор ҳазор байтро фаро мегирад"(Навоийнинг форсий девони салкам тўрт минг байтдан иборатдир), - деб ёзилади. Ахир, бундай йўл ўқувчиларни чалкашлик гирдобига тушириб қолдиради. Айни чоқда, маълум нашрларнинг қимматига ҳам путур етказади.

Фоний-Навоийнинг форс-тоҷик тилидаги шеърлари яратилган даврида ёқ эл оғзига тушиб шуҳрат таратган. Бунинг боиси ўша шеърият мағзида "кўп турлук дилкаш адолар ва дилпазар маънолар"нинг мужассамлашганлигидир.

Ҳазрат Навоийнинг форс-тоҷик тилидаги адабий меросида ўша адабиётнинг анъаналари ғоят кучли таъсир кўрсатган. Буни буюк мутафаккирнинг ўзи рўйи-рост тан олади. Жумладан, шоирнинг қўйидаги таъкидларида ўша ғоя мужассам: "...форсий алфоз истифосин ва ул иборат истиқсосин киши мендин кўпрак қилмайдур эркин ва салоҳ ва фасодин мендин яхшироқ билмайдур эркинким, ўн беш ёштин қирқ

ёшқачадурки, ... ўкуриға давовиндин бу фақир мутолаасига кўп машғул бўлмағон девон оз эркин. Батахсис, ишқу дард аҳлиниңг раҳбар ва пешвари Амир Хусрав Дехлавий девониким, ошиқлиқда дарду ниёз ва сўзу гудоз тарихин ул мунташир қилди ва онинг ишқи машъаласида бу партав олам тийра хокдонига ёйилди. Яна хақиқат аҳлиниңг сархайл ва сарафрози Хожа Хоғиз Шерозий нукот ва асроринки, анфоси руҳ ул-қудсдин нишон айтур ва руҳуллоҳ анфосидин асар еткуур...”

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Навоийнинг форсий меросини Давлатшоҳ Самарқандий (“Тазкират уш-шуаро”), Абдураҳмон Жомий (“Нафоҳат ул-унс”), Сом Мирзо (“Тухфаи Сомий”), Ризо Қулихон Ҳидоят (“Мажма ул-фусахо”), Ҳусайн Воиз Кошифий (“Тафсири форсий”) каби форс тазкиранавислари жуда юксак баҳолаган ва тақдирланган эди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. I – X жилдлар. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги НМИУ, 2011.
2. Асрлар нидоси (Ўзбек мумтоз адабиётидан намуналар). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. – 544 б.
3. Навоий А. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 1-жилд. – Тошкент: «Фан», 1987. – 723 б